

Имом Моликнинг шогирди Асад ибн Фурот



11:00 / 07.01.2022 1933

Маълумки, Islom.uz портали «МАЗҲАБЛАР — БИРЛИК РАМЗИ» шиори остида танлов эълон қилган.

2-чорак — моликий мазҳабига оид мавзуда бўлиб, иштирокчилар томонидан @islomuztanlovbot манзилига келиб тушаётган навбатдаги мақолани сиз азизларга ҳавола қиламиз.

Имом Моликнинг шогирди Асад ибн Фурот

Асад ибн Фурот 142/759 йилда Ҳарронда туғилиб, 213/828 йилда Италиянинг Сицилия оролида шаҳид бўлган.

Имом Кавсарий «Булугул амоний фи сийратил имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний» номли китобида қуйидагиларни келтиради:

«Асад ибн Фурот Қайравоннинг қозиси бўлган. У имом Моликнинг шогирди бўлиб, у кишининг мазҳабларидаги масалаларни китоб шаклига келтирган ва Сицилияни фатҳ қилган қўмондонлардан бири эди. У 213/828 санада Сицилияда шаҳид бўлган. 172/788 йили Қайравондан чиқиб, Мадинаи Мунавварада имом Моликдан «Муватто»ни ўрганди. Сўнг Ироққа сафар қилди. У ерда Абу Ҳанифанинг шогирдларидан ҳадис эшитиб, улардан фикҳни ўрганди».

Аллома шайх Муҳаммад Маҳлуф Моликий ўзининг «Шажаратун-нур аз-закия фи табақотил Моликия» китобида қуйидагиларни келтиради:

«...Сўнг Мисрга бориб, у ерда кўплаб буюк олимларнинг ҳузурида бўлди. Ибн Қосимнинг ҳузурида «Асадия» китобини ёзди. Сўнг Қайравонга қайтди. Бу ерда унинг номи ва илми машҳур бўлди. 212/827 йилда Зиёдатуллоҳ Ағлабий Сицилияга қарши жанг қилиш учун қўшин тортди. Қўшиннинг қўмондони ва қозиси Асад ибн Фурот эди. У катта қўшинга бошлиқ бўлиб чиқар экан, аҳли илм ва нуфузли кишилардан кўпчилиги уни кузатиб чиқди. Асад ўз атрофида оддий инсонларни ҳам, улуғларни ҳам кўриб, Аллоҳга ҳамду санолар айтди ва шундай деди:

«Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ! Эй инсонлар, Аллоҳга қасамки, мендан олдин отам ҳам, бобом ҳам ва улардан олдин ўтганлар ҳам бундай қўшинни бошқармаган ва кўрмаган эди. Сиз кўраётган бундай мартабага мен қаламлар билан, яъни илм олиш ва унинг йўлида хизмат қилиш билан эришганман. Илмга астойдил талабгор бўлинг ва бу йўлда заҳмат чекинг. Унинг машаққатига сабр қилинг. Илм билан албатта дунё ва охираат яхшиликларига етасиз».

Бу тантанавор кузатув Суса бандаргоҳида ўз ниҳоясига етди. Қўшин мана шу ердан Сицилия қалъасига юриш қилди ва катта қийинчиликлар билан уни фатҳ этди. Асад ибн Фурот Сарқуса қамали пайтида олган жароҳатлари сабаб вафот этди ва ўша ерга дафн қилинди. Аллоҳ таоло у кишини Ўз раҳматига олсин!».

Бахтихон Шарипова

Эслатма:

Танлов иштирокчиларидан қуйидаги мавзуларда мақола ҳамда (араб, рус, инглиз, форс ва бошқа тиллардан) таржималар, илмий-тадқиқот ишлари, аудио ва видеосуҳбатлар тақдим этишлари талаб этилади:

- Мазҳаб тушунчаси ва унинг тарихи;
- Мазҳаб ҳақида мўътабар уламоларнинг фикрлари;
- Мазҳаб имомлари ва уларнинг шогирдлари;
- Мазҳабнинг усуллари;
- Мазҳабга оид мўътабар асарлар;
- Масҳабсизлик ва унинг хатарлари.

Танлов шартига кўра, тақдим этилаётган материаллар аввал бошқа манбаларда берилмаган бўлиши, илмий асосга эга бўлиши лозим.

Танлов тўрт чоракдан иборат бўлиб, ҳар бир чорак битта мазҳабга бағишланади:

- 1-чорак — ҳанафий мазҳаби;
- 2-чорак — моликий мазҳаби;
- 3-чорак — шофеъий мазҳаби;
- 4-чорак — ҳанбалий мазҳаби.

Иштирокчилар томонидан тақдим этилган материаллар islom.uz сайтида эълон қилиб борилади. Материалларни @islomuztanlovbot телеграм манзилига юборишингиз мумкин. Танлов 1443 йил зулҳижжа ойида (2022 йилнинг июль ойида) яқунланади. Ғолиблар қимматбаҳо мукофот ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.